

Davlat organlari va tashkilotlarining davlat ro'yxatidan o'tganligi to'g'risida



GUVOHNOMA

"ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK DENE TÁRBIYA HÁM SPORT UNIVERSITETINIŃ NÓKIS FILIALÍ" DAVLAT MUASSASASI

Davlat organlari va tashkilotlarining nomi

207 289 183

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

17.12.2018

Sana

182

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

DAVLAT MUASSASASI

Tomonidan berilgan:

NUKUS SHAHRI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI


589195



Нукус шаҳар ҳокимининг
2018 й. « 12 » 12 кунги
03/12-81 -сонли қарори
билан рўйхатга олинди



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Жисмоний тарбия ва спорт
вазирининг биринчи
ўринбосари

 О.О.Касимов
“ 5 ” декабрь 2018 й.

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ НУКУС ФИЛИАЛИ
УСТАВИ**

Ўзбекистон Республикаси
Жисмоний тарбия
ва спорт вазирининг
2018 йил 5 декабрдаги
1044 - сонли буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон далаат жисмоний тарбия ва спорт
университети Нукус филиалининг
УСТАВИ**

Мазкур Устав Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сон “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 13 ноябрдаги 924-сон “Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Нукус филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети (бундан буён таълим муассасаси деб юритилади) Нукус филиалининг (бундан буён матнда таълим муассасаси филиали деб юритилади) фаолияти тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Таълим муассасаси филиалининг расмий номланиши:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи: O‘zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universitetining Nukus filiali - O‘zDJTSU Nukus filiali;

б) рус тилида:

тўлиқ номи - Нукусский филиал Узбекского государственного университета физической культуры и спорта - Нукусский филиал УзГУФКС;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи: Uzbek state universitet of physical culture and sport Nukus branch - USUPCS Nukus branch.

2. Таълим турига тегишлилик: Кундузги.

3. Мулкчилик шакли: Давлат мулки.

4. Муассис: Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги.

5. Таълим муассасаси филиалининг юридик манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси, 24-уй.

6. Таълим муассасаси филиали ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси

жисмоний тарбия ва спорт вазири (бундан буён матнда вазир деб юритилади) буйруқлари, таълим муассасаси ректорининг буйруқларига, мазкур Уставга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

7. Таълим муассасаси филиали таълим муассасасининг юридик шахс мақомига эга бўлган таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, мазкур уставга 1-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва 2-иловага мувофиқ ўз номи ёзилган бланкаларга, мустақил балансга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилигида шахсий ҳисобварақларига эга бўлади.

2-боб. Таълим муассасаси филиалининг мақсад ва вазифалари

8. Таълим муассасаси филиалининг мақсади Қорақалпоғистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, халқаро спорт мусобақаларида иштирок этадиган, шунингдек спорт соҳасида олий таълим дастурларини амалга ошириш орқали юксак маънавий-маърифий сифатларга, мустақил фикрлаш қобилиятига ҳамда жамиятнинг илмий-техникавий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожини таъминлашга қодир юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборат.

9. Таълим муассасаси филиалининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

спорт фаолияти, жисмоний тарбия ва спорт менежменти, мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт, психология (спорт) таълим йўналишлари бўйича юқори малакали кадрларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш;

хизматлар ва соғломлаштириш тармоқларини ривожлантиришнинг илмий-технологик вазифаларини ҳал этишга, илғор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда спорт соҳасига йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотларни олиб бориш ва ишланмаларни амалга ошириш;

ўқув ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим ва илмий изланишлар жараёнига мутахассисларни кенг жалб этиш мақсадида ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳаларидаги республика ва хорижий етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

республика ва хорижий олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларга истиқболли ёш битирувчиларни магистратура ва докторантурага мунтазам юбориш орқали таълим муассасаси филиалининг илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш.

давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқитишни ташкил қилиш, малакали кадрлар етиштириш орқали олий малакали кадрларни тайёрлаш;

мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиш истиқболлари ҳамда жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб, фан, техника, иқтисодиёт ва маданиятнинг замонавий ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашни ташкилий ва услубий жиҳатдан мунтазам такомиллаштириш;

олий таълимнинг инсонпарварлик йўналишида бўлишини таъминлаш ҳамда ёшларни миллий истиқлол мафкураси ва умуминсоний қадриятлар асосида Ватанга, жамиятга, оилага ва табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш;

ўқув амалиётига интерфаол усулларни, янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқитишнинг мустақил таълим ва индивидуал ёндашув методикаси ҳамда воситаларини, масофавий ўқитиш тизимини татбиқ этиш;

олий таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминловчи тизимларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ қилиш;

касбий тайёргарлик бўйича иш билан таъминлашнинг мониторинги ва маркетинг тадқиқотлари, таълим сифатига кадрлар тайёрлаш ва мониторинг назоратини қўллаш;

фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш, илғор педагогик технологиялар соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини олимпия захиралари коллежларининг, спорт мактабларининг (бундан буён матнда спорт-таълим муассасалари деб юритилади) раҳбар кадрлари, инструктор-методистлари ҳамда тренер-ўқитувчилар таркибини, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт фаолияти йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига ўз вақтида жорий этилиш механизмини амалга ошириш;

илмий-педагогик кадрлар ва талабаларнинг илмий тадқиқотлари, ижодий фаолиятлари орқали фан, техника ва технологияни ривожлантириш, олинган натижалардан таълим жараёнида ва мамлакат иқтисодиётида фойдаланиш;

таълим соҳасида ривожланган мамлакатларнинг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш;

жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш, аҳолини, биринчи навбатда ёшлар ва болаларни спорт билан шуғулланиш зарурлигини англаш руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат иштиёқини сингдириш, ёшларни меҳнатга қилишга тайёрлаш;

Олимпия ўйинларида, жаҳон ва Осиё чемпионатларида, халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эриша оладиган юксак маҳоратли спортчиларни тайёрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва зарур шарт-шароитларни яратиш;

халқ ўйинлари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил қилиш ва ўтказиш;

спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш республика маданий-маърифий ва спорт соғломлаштириш муассасалари, спорт федерациялари, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олий спорт маҳорати мактабларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш.

Таълим муассасаси филиали зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

10. Таълим муассасаси филиали фаолиятнинг асосий йўналишлари бадий гимнастика, дзю-до, баскетбол, волейбол, эшкак эшиш, эркин кураш, мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт, Психология (спорт), бокс, сузиш, кураш, футбол, енгил атлетика, оғир атлетика, кўл тўпи, юнон-рум курашидан иборат.

11. Таълим муассасаси филиали ўз фаолиятининг асосий йўналишларини ва зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги шакллардан фойдаланади:

таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини ҳисобга олиб, олий малакали кадрлар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича ишчи ўқув режа, дастур, ўқув-методик ҳужжатларни тайёрлаш;

олий таълим тизимининг самарали шаклларини жорий этиш, илмий ва ташкилий-методик асосларини ишлаб чиқиш;

ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг илғор шаклларини, янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни жорий этиш асосида таълим олувчиларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш;

таълим муассасаси филиали таълим олувчиларининг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш;

таълим муассасаси филиали таълим олувчилари онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

таълим муассасаси филиалининг мавжуд моддий-техник базаси имконияти доирасида кўшимча пулли хизматлар (пулли ўқитиш курслари, ижара, ҳомийликлар)ни йўлга қўйиш орқали бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилишни кенгайтириш воситаларидан фойдаланиш.

12. Таълим муассасаси филиали қуйидаги ҳуқуқларга эга:

таълим муассасаси филиалининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим мазмуни ва самарадорлигини такомиллаштириш бўйича вазирликка ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритиш;

бюджет маблағлари ва бошқа қонуний манбалардан ишлаб топилган пул маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ сарфлаш;

таълим муассасаси филиалининг маънавий эскирган, фойдаланиш муддатлари ўтиб, яроқсиз бўлиб қолган ўқув адабиётлари, жиҳозлари, транспорт ва техника воситалари, асбоб-ускуналарини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдан чиқариш.

Таълим муассасаси филиали қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Таълим муассасаси филиалининг мажбуриятлари қуйидагилар ҳисобланади:

таълим олувчиларнинг ўқув ва лаборатория хоналари, ахборот-ресурс маркази ҳамда талабалар турар жойларидан фойдаланишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш;

олий таълим соҳасида давлат бошқарув органи томонидан тасдиқланган иш режалар, ўқув режа ва дастурларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;

таълим-тарбия жараёнини амалдаги қонунчиликка асосан санитария-гигиена нормаларига ва хавфсизлик қоидаларига мос ҳолда ташкил этиш;

таълим муассасаси филиали мол-мулкнинг сақланиши ва улардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

давлат бюджетидан ажратиладиган ҳамда бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш юзасидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб бориш.

Таълим муассасаси филиали зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

3-боб. Таълим олувчилар

14. Таълим муассасаси филиалига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан касбий (ижодий) ва тегишли таълим йўналишларида тест синовлари натижаларига кўра тўплаган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

15. Таълим муассасаси филиалига қабул барча учун (грант, тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, касбий (ижодий) имтиҳон ва тегишли таълим йўналишларида тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилинади. Қолган абитуриентлар тўплаган баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилинади. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарори билан

тасдиқланган “Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари ғолиблари бўлган академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларини тақдирлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ касбий (ижодий) имтиҳон ва тест синовларисиз ва кўшимча имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

16. Таълим муассасаси филиалига хорижий фуқароларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2008 йил 4 августдаги 169-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида амалга оширилади, шунингдек таълим муассасаси филиалига сиртки (махсус сиртки) ва кечки (сменали) таълим олувчиларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон “Олий таълим муассасасида сиртки (махсус сиртки) ва кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” қарори асосида амалга оширилади.

17. Таълим муассасаси филиалига олий (иккинчи ва кейинги таълим) маълумотиغا эга бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан 2008 йил 13 августдаги 15-сон баён (рўйхат рақами 1844, 2008 йил 21 август) билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни олиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ўқишга қабул қилиниши мумкин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан таълим муассасаси филиали талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштирилиши мумкин.

19. Талабаларга ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, болаларни парвариш қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 6 августдаги 312 ва 19-сон қарори (рўйхат рақами 2138, 2010 йил 4 сентябрь) билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисида”ги Низомга асосан таътил берилади.

20. Таълим муассасаси филиали директорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинган шахс таълим муассасаси филиалининг талабаси ҳисобланади. Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтарчаси бепул берилади.

21. Давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган талабалар белгиланган тартибда стипендия билан таъминланадилар (хорижий талабалар бундан мустасно).

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан стипендияларни олиши мумкин.

22. Талабалар турар жойида туриш эҳтиёжи мавжуд бўлган талабалар санитария-гигиена меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган талабалар турар жойи билан таъминланади.

Талабалар турар жойига мухтож талабалар эҳтиёжи мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам олий таълим муассасаси талабалар турар жойи ва унинг майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиши (ижарага берил, бошқа келишувлар)га рухсат этилмайди.

23. Таълим муассасаси филиалининг талабалари куйидаги ҳуқуқларга эга:

фан ва техника, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида эришилаётган ютуқларга мос келувчи билим олиш;

таълим муассасаси ҳамда таълим муассасасининг филиали ахборот ресурс марказида мавжуд бўлган китоблардан, даврий нашрлардан, электрон таълим ресурсларидан бепул фойдаланиш;

аудиториялар ва спорт иншоотларида таълим жараёнига оид ўқув техник воситаларидан бепул фойдаланиш;

таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдириш;

таълим муассасаси ҳамда унинг филиали, факультет миқёсида ўтказиладиган маънавий-маърифий ва спорт тадбирларида иштирок этиш;

илмий тадқиқот ишларида ва илмий конференцияларда иштирок этиш;

таълим муассасаси филиалида фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш.

Амалдаги қонун ҳужжатларига асосан талабалар бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

24. Таълим муассасаси филиали талабаларининг мажбуриятлари куйидагилар ҳисобланади:

қонун ҳужжатлари, таълим муассасаси ва унинг филиали устави, ички тартиб-қоидалари талабларига риоя қилиш;

таълим муассасаси филиали раҳбарияти ва ходимларининг қонуний талабларини бажариш;

ўқув режаси ҳамда дастурларида назарда тутилган барча турдаги ўқув ва амалий ишларни бажариш;

ўқув машғулотларига ўз вақтида қатнашиш, сабабсиз дарс қолдирмаслик;

санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;

кийиниш маданиятига риоя қилиш, одоб-ахлоқ қоидаларига сўзсиз амал қилиш;

таълим муассасаси филиалининг мол-мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш.

Таълим муассасаси филиалининг талабалари зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

4-боб. Ўқув-тарбиявий ва илмий-услубий иш.

25. Таълим жараёнининг асосий вазифаси давлат таълим стандартларига, мувофиқ илғор, замонавий таълим дастурлари асосида ўқитишни самарали ташкил этиш ва малакали кадрларни етиштиришдан иборатдир.

26. Таълим муассасаси филиалида бакалавр талабаларини тайёргарлигининг зарурий даражаси давлат таълим стандарти билан белгиланади.

27. Билимларни назорат қилиш, баҳолаш шакллари ва тартиботи ҳамда таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражаси бакалаврият талабаларининг фанларни ўзлаштириши рейтинг тизимига мувофиқ аниқланади.

28. Таълим муассасаси филиалининг ишини ташкил этиш вазирлик томонидан тасдиқланган устав асосида ташкил этилади.

Таълим муассасаси филиалининг ишини ташкил этиш ва унинг тартиби таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларида белгиланади.

29. Таълим муассасаси филиали қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда санитария қоидалари ва меъёрларига риоя қилади.

30. Таълим муассасаси филиалининг бакалавр босқичида ўқув (факультатив, қўшимча) ва амалий машғулотлар шартлари ва шакллари маъруза, семинар, амалий машғулот, лаборатория ишлари, коллоквиум, курс иши (лойиҳаси), консультация, мустақил таълим, мустақил иш, малакавий амалиёт, бакалаврият талабалари учун битирув малакавий ишидан иборат бўлади.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 40 минутлик қўшма жуфтлик ўрнатилади.

31. Таълим муассасаси филиалида кундузги таълим таълимнинг асосий таълим дастурларини бакалаврият босқичида амалга оширади.

Бакалаврият таълим йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир.

Бакалавр дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси яқунларига кўра таълим йўналиши бўйича “бакалавр” даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

Таълим муассасаси филиалида бакалавр талабалари учун ўқув йили икки семестрга бўлинади, улардан ҳар бири бакалавр талабаларининг ўзлаштириши натижаларининг яқунланиши билан тугалланади.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 80 дақиқа давом этадиган дарс жуфтлиги белгиланади.

32. Таълим муассасаси филиалида ўқитиш давлат тилида ёки таълим

муассасасининг тегишли таълим дастурларида назарда тутилган тилларда амалга оширилади.

33. Таълим муассасаси филиалида кундузги таълим шаклида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 ноябрдаги 924-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Нукус филиалида бакалаврлар тайёрлаш бўйича таълим йўналишлари рўйхати” асосида олий таълим амалга оширилади.

34. Таълим муассасаси филиалида таълим жараёни таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган ўқув режалари ва дастурлари асосида таълим муассасаси филиали директори томонидан тасдиқланган йиллик ўқув жараёни ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Таълим муассасаси филиалида талабаларга олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурий шарт-шароитлар яратиб берилиши лозим.

Таълим ва тарбиянинг бирлиги олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурлари асосида таъминланади.

35. Таълим муассасаси филиалида ўқув йили ҳар йили 2 сентябрдан бошланади ҳамда икки семестрдан иборат бўлади.

Таълим муассасаси филиалида ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида таълим берилади.

5-боб. Таълим муассасаси филиалининг тузилиши

36. Таълим муассасаси филиалида қуйидаги марказ ва бўлимлар фаолият юритади:

ўқув-услубий бўлим;

ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими;

ахборот-ресурс маркази;

талабалар турар жойи;

ўқув-лаборатория мажмуаси;

илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими;

иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими;

ҳалқаро ҳамкорлик бўлими;

ахборот технологиялари маркази;

тахририй-нашриёт бўлими;

бухгалтерия;

режа-молия бўлими;

ишлар бошқармаси;

фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими;
техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими;
ўқитишнинг техник воситалари бўлими;
девонхона ва архив;
бош муҳандис;
мониторинг ва ички назорат бўлими;
ходимлар бўлими;
бююртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш
ва мониторинг бўлими;
таълим сифатини назорат қилиш бўлими;
1-бўлим;
2-бўлим;
психолог;
юрисконсулт;
матбуот котиби.

37. Ўқув-услубий бўлимнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат таълим стандартлари асосида ўқув ишларини ташкил этиш
ва малакали кадрлар тайёрлашни таъминлашда қатнашиш;

тегишли бўлимлар, факультет ва кафедраларнинг йиллик иш режасини кўриб
чиқиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда иштирок этиш;

талабаларга берилаётган дарсларнинг сифатини ошириш, педагог
ходимларнинг шахсий режалари бажарилишини назорат қилишда иштирок этиш;

педагог ходимларнинг малакасини ошириш режаларини ишлаб чиқиш
ва бажарилишини назорат қилиш;

барча таълим йўналишларини ўқув режа ва дастурлари билан таъминлаш;

талабаларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил
этилишини назорат қилиш;

таълим муассасаси филалининг дарс жадвалларини ишлаб чиқиш,
бажарилишини назорат қилиш, кафедралар ўқув юкнамалари ва йиллик
ҳисоботларини таҳлил қилиш ҳамда ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича
таълим муассасаси кенгашига тегишли таклифлар киритиш.

Ўқув-услубий бўлимнинг зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган
бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

38. Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлимнинг вазифалари
қуйидагилардан иборат:

факультет деканларининг маънавий-марифий тарбия ишлари бўйича
ўринбосарлари ва жамоатчилик кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

тегишли бўлимлар, факультет ва кафедраларнинг йиллик иш режасини кўриб
чиқиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда иштирок этиш;

иктидорли ёшларни қидириш, саралаш ва уларга кўмаклашиш, талабалар орасидан (номли давлат стипендиялари), Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари талабгорларини тайёрлаш жараёнида фаол иштирок этиш;

ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик ишларини амалга ошириш;

республика, вилоят ва туман (шаҳар) миқёсида бўладиган турли жамоат ишлари ҳамда тадбирларда педагог ходимлар ва талабалар иштирокини таъминлаш;

талабаларнинг маънавий-ахлоқий онгини ўстириш мақсадида институт Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти, хотин-қизлар кенгаши ҳамда турли жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, талабалар турар жойида ва ижарада турувчи талабалар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва уларнинг бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиш;

таълим муассасаси филиалининг йиллик иш режасига мувофиқ ўтказиладиган турли маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;

Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлимининг зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

39. Ахборот-ресурс марказининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

таълим муассасаси филиали ахборот-ресурс марказининг истиқбол ва жорий режаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлаш;

ахборот-ресурс марказига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ахборот-технологияларни ишлаб чиқишда ҳамда уларни амалга ошириш жараёнларида иштирок этиш;

электрон каталогдан фойдаланган ҳолда, ахборот-ресурс маркази хизмат кўрсатишининг янги турларидан фойдаланишни таъминлаш;

талабаларнинг талабига мувофиқ адабиётлар берилиши ва қабул қилишини амалга ошириш, қониқтирилмаган сўровларнинг таҳлилини олиб боришда унинг йўналиши ва технологиясига мувофиқ равишда ахборот-кутубхона иши жараёнлари билан таъминлаш фаолиятини амалга ошириш;

тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини тузиш ва таълим олувчиларга етказиш;

таълим олувчиларни янги асарлардан индивидуал ва жамоавий тарзда хабардор этиш ҳамда таълим олувчиларининг мустақил таълим олишига кўмаклашиш;

таълим муассасаси филиали ходимлари, таълим олувчилари ва педагоглар жамоаси орасида миллий, маънавий-ахлоқий қадриятларни, халқ таълимининг ютуқлари, илғор таълимий тажрибалар ёритилган манбаларни кенг тарғиб қилиш;

ахборот-ресурс марказига кирим қилинган китоб ва газета-журналларни сақланиши, улардан таълим олувчиларнинг фойдаланиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш.

Ахборот-ресурс марказининг зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

40. халқаро ҳамкорлик бўлимининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида республика олий ўқув юртлири билан алоқалар ўрнатиш;

таълимнинг сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасидаги ютуқларини ўрганишга қаратилган республика ва чет эл жамғармалари билан бевосита ҳамкорлик қилишни ташкил этиш;

турли йўналишлар бўйича халқаро лойиҳаларни тузишга, уларни амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

хорижий мамлакатларни таълим соҳасидаги ютуқларини ўрганиш ва тажриба алмашиш мақсадида чет эл олимлари, профессор-ўқитувчи ҳамда мутахассисларини таклиф этиш ишларини ташкил этиш;

педогог ходимларни хорижий мамлакатлар олий таълим муассасаларига тажриба алмашиш мақсадида юборилишини ташкил этиш;

хорижий мамлакатлар ҳамда республика ҳудудида ўтказиладиган халқаро анжуманларда институт жамоасининг қатнашиши ва тажриба алмашишини ташкил этиш;

таълим беришнинг технологик жараёнида чет эл педагогикасининг энг илғор тажрибаларини ўрганиш ва уларни таълим муассасаси раҳбарияти билан муҳокама этиш;

ривожланган давлатларнинг соҳаги оид истиқболли моделларини ўрганиш, уларни маҳаллий шароитга мослаган ҳолда таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича таълим муассасаси педагоглари билан ҳамкорликда тавсиялар ишлаб чиқиш;

Халқаро алоқалар бўлимининг зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

41. Ахборот технологиялари марказининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

таълим муассасаси филиалидаги мавжуд компьютер технологияларининг дастурларини тўғри ишлашини назорат қилиш;

компьютерларни техник кўриқдан ўтказиб туриш ва таъмирлаш ишларини ташкил қилиш;

компьютер операторлари ишларини назорат қилиш;

таълим муассасаси филиалдаги компьютер захирасини замонавий компьютерлар ҳисобига ошириш ва мавжуд компьютерларни такомиллаштириб бориш;

таълим муассасаси филиалида Internet тармоқлари, (E-mail) электрон почта хизматларини талаб даражасида ишлашини назорат қилиб бориш, хабар ва янгиликларни ўз вақтида қабул қилиниши ва тарқатилишини назорат қилиш;

таълим муассасаси филиалининг нусха кўпайтириш дастгоҳларининг ишини назорат қилиш, таъмирлаш ва кўриқдан ўтказиб туришни назорат қилиш;

таълим муассасаси филиалидаги локал тармоғига портал бўйича жами маълумотларни киритиш ва таҳлил этиш;

таълим муассасаси филиали фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талабларига, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш.

Ахборот технологиялари марказининг зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

42. Таҳририй-нашриёт бўлимининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда таълим-тарбия комплекси тармоқларини ва институт фаолиятини, мамлакатимизда ҳамда хорижда рўй бераётган жисмоний тарбия ва спорт янгиликларни кенг тарғиб қилиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш;

олий таълим тизими ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бўлаётган ислохотлар ва шу борадаги мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тўғрисидаги мақолаларни таълим муассасаси филиали педагог ходимларига ўз вақтида етказиш;

матннинг турли элементларидаги гап тузилиши бир хиллигини таъминлаш, имло ва тиниш белгиларининг хатосини бартараф этиш, шунингдек мазмун ва гап тузилиши кўринишидаги камчиликларни тузатиш мақсадида таҳрир қилинган оригинал нусхаларини ўқиш;

оригинал таҳрир нусхаларини тасдиқланган режа ва жадвалга мувофиқ териш ишларини сифатли амалга ошириш;

атамалар, ўлчов бирликлари, қисқартмаларнинг унификацияланишини таъминлаш, жадваллар, сноскалар, формулалар, напснинг маълумотлари тўғрилиги, библиографик баённинг тўлиқлиги ва далилларнинг манбаларга ва матндаги рақамли маълумотларнинг мувофиқлигини текшириш;

корректурани нусхаларини ўқишда терилган матннинг оригинал матнга мувофиқлигини текшириш, корректурада тузатиш давомида полиграфия ишлаб чиқариши умумий қоидалари ва техник муҳаррир кўрсатмаларига мувофиқ давлат стандарти бўйича корректорлик белгиларидан фойдаланиш;

чоп этилган нашрларнинг баҳоланишини кузатиш, китоблар муҳокамаси бўйича ўтказилаётган анжуманларда иштирок этиш;

таълим муассасаси филиалининг ўз ваколат доирасида қабул қилинган буйруқларига бўйсунуш ва унинг топшириқларини кўрсатилган муддатларда амалга ошириш.

Тахририй-нашриёт бўлимининг зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

43. Бухгалтериянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бухгалтерия ҳисобини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ юритиш, шунингдек ҳисоб ишларини замонавий техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилишини ҳамда амалга оширилаётган операцияларнинг қонунийлигини таъминлаш;

бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг харажатлар сметасида назарда тутилган муайян мақсадларга тўғри сарфланиши, шунингдек пул маблағлари ва моддий қимматликларнинг бутлигини таъминлаш;

таълим муассасаси филиалида ходимларнинг иш ҳақларини ва унга тенглаштирилган тўловларини ўз вақтида ҳисоблаб чиқиш ҳамда таълим олувчиларга стипендияларини ўз вақтида ҳисоблашни ва уларни тарқатилишини назорат қилиш;

смета ижроси жараёнида вужудга келадиган жисмоний ва юридик шахслар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш;

пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва моддий қимматликлар, шунингдек бошқа активларни ва мажбуриятларни инвентаризация қилишда қатнашиш, инвентаризация натижаларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш;

моддий жавобгар шахсларга уларнинг жавобгарлигида турган моддий қимматликларнинг бутлигини сақлаш ва ҳисобини олиб бориш юзасидан тушунтириш ишларини ўтказиш, шунингдек моддий қимматликларни олиш учун берилган ишончномаларнинг ҳисобини юритиш ва улардан тўғри фойдаланилишини амалга ошириш;

молиявий ҳисоботларни белгиланган муддатларда тузиш ва топшириш;

таълим муассасаси филиали ректори тасдиқлаши учун харажатлар сметасини ва уларга илова қилинадиган ҳисоб-китобларни тузиш;

маҳаллий ва республика бюджетига ҳисобланган солиқларни ўз муддатларида ўтказиш ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари пайдо бўлишининг олдини олиш;

товар-моддий бойликларни белгиланган қоидалар асосида омборхонага қабул қилиш ва чиқим қилишни назорат қилиш ҳамда кассанинг ишени ва касса операцияларининг юритилишини назорат қилиш;

пулга алоқадор бирламчи ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисоботларини ўз вақтида тайёрланишини таъминлаш ҳамда кирим-чиқим ҳужжатлари айланишини назорат қилиш, келиб тушаётган пул маблағлари, товар моддий бойликлар ва асосий воситалар, молия хўжалик фаолияти натижалари, шунингдек молия, ҳисоб-китоб ҳисоботини олиб бориш;

пул маблағлари ва товар-моддий қимматликларнинг кирим-чиқим ҳужжатларини юритишда, мансабдор шахслар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилаётганлик ҳолатлари аниқланганда тегишли чоралар кўриш учун ректорга ёзма равишда хабар бериш;

бухгалтерия ҳужжатларининг, ҳисоб регистрларининг, шунингдек харажатлар сметаларининг сақланишини таъминлаш.

Бухгалтериянинг зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

44. Режа-молия бўлимининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

молия ҳисобини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ юритиш, шунингдек молиявий ишларни замонавий техник воситалар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

молия ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилишини ҳамда амалга оширилаётган молиявий операцияларнинг қонунийлигини таъминлаш;

бюджет маблағларини, шунингдек бюджетдан ташқари маблағларнинг харажатлар сметасида кўзда тутилган муайян мақсадларга тўғри сарфланиши ҳамда пул маблағлари ва моддий қимматликларнинг бутлигини таъминлаш бўйича молиявий режани шакллантириш;

таълим муассасаси филиалида ходимларнинг иш ҳақларини ва унга тенглаштирилган тўловларни молиялаштириш режасини ҳисоблаб чиқиш;

пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва моддий қимматликлар, шунингдек бошқа активларни ва мажбуриятларни инвентаризация қилишда қатнашиш, инвентаризация натижаларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш ҳамда уларни молиявий ҳисобда акс эттириш;

молиявий ҳисоботларни белгиланган муддатларда тузиш ва топшириш;

таълим муассасаси филиали ректори тасдиқлаши учун молиявий харажатлар сметасини ва уларга илова қилинадиган ҳисоб-китобларни тузиш;

харажатлар сметасининг сақланишини таъминлаш ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари пайдо бўлишининг олдини олиш.

Режа-молия бўлимининг зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

45. Техник-фойдаланиш ва хўжалик бўлимининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

биноларни жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ташкил этиш, ўқув-лаборатория хоналари ва талабалар турар жойлари биноларини жиҳозлар билан таъминлаш ишларини амалга ошириш;

таълим муассасаси филиали хоналаридаги жиҳозларни талаб даражада сақланишини назорат қилиш;

хўжалик ишларига ажратилган маблағ ва хўжалик ашёларини режали сарфланишини назорат қилиш, шунингдек биноларда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш ва биноларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини ташкил қилиш;

таълим муассасаси филиали худудларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалаш ишларига раҳбарлик қилиш, ўзига бўйсунувчи тегишли бўлинма ҳамда техник хизмат кўрсатувчи ходимлар ишларини назорат қилиш;

таълим муассасаси филиал фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш;

талабалар турар жойларидаги ўринларни талабанинг жинси, факультетлар бўйича тақсимотини белгилаш, улар ҳақидаги умумий маълумотлар базаси, ахборотлар, статистик жадвалларни тайёрлаш ва мазкур маълумотлари билан таълим муассасаси раҳбариятига ахборот бериб бориш;

талабалар турар жойининг моддий-техник таъминотини таҳлил этиш, эҳтиёж ва талаблар асосида зарур материаллар, жиҳозлар учун буюртмалар бериш;

талабаларнинг яшаши, дарс тайёрлаши ва дам олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлимининг зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

46. Девонхона ва архив бўлимининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

таълим муассасаси филиалига келиб тушган ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва ҳужжатни ижрочига топшириш, жўнатиладиган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш;

ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни ташкил этиш ва таҳлил қилиб бориш, улар тўғрисида тегишли ҳисоботларни таълим муассасаси ректорига тақдим этиш;

таълим муассасаси филиалининг асосий фаолияти бўйича буйруқларини рўйхатга олиш ва ижрочиларга етказиш;

иш юритиш ва ҳужжатлар билан ишлаш давомида тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

жисмоний ва юридик шахслардан келган ариза, таклиф ва шикоятларни ҳисобга олиш, уларнинг ижроси ҳақидаги маълумотларни тегишли жисмоний ва юридик шахсларга юбориш;

архивда ҳисобга олиш ҳужжатларини тузиш ҳамда архивлар ва идоравий архивларда йиғма ҳужжатларни шакллантириб бориш;

таълим муассасаси филиали архив ҳужжатлари каталоги, ҳужжатларнинг келиб тушиш китоби, архив фондларининг рўйхати, архив фонди варағи, архив рўйхати, архив фонди йиғмажилдини юритиш;

таълим муассасаси филиали шахсий таркибининг ва муассаса фаолиятига оид бўлган ҳужжатларнинг бут сақланишини таъминлаш.

Девонхона ва архив бўлимининг зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

47. Мониторинг ва ички назорат бўлимининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

таълим жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш ва тегишли услубий кўрсатмаларининг ижро этилишини ўз вақтида назорат ва таҳлил қилиш ҳамда истиқболли режаларни ишлаб чиқиш;

таълим муассасаси филиалининг таълим соҳасида илғор тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва уларни оммалаштиришга тавсия этиш;

кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эҳтиёжни меҳнат бозори талабларига мувофиқлигини назорат қилиш;

таълим муассасаси филиалида таълим стандартлари асосида педагог ходимларнинг маъруза ва амалий машғулоти сифати ва самарадорлигини таҳлил қилиш;

таълим жараёни сифатини баҳолаш мониторингини амалга ошириш;

таълим муассасаси филиали педагог ходимларини маъруза, амалий машғулоти сифати ва самарадорлигини таҳлил қилиш;

ёзги ва диплом олди амалиёти машғулотларининг услубий жиҳатдан мукамаллигини назорат қилиш ва улар юзасидан тегишли кўрсатмалар бериш;

таълим муассасаси филиали педагог ходимларининг фаолияти рейтингини аниқлаш мақсадида талабалар орасида сўровлар ўтказиш;

Ички назорат ва мониторинг бўлимининг зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

48. Ходимлар бўлимининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

таълим муассасаси филиали директорининг кўрсатма ва буйруқларини бажариш;

бўлимнинг иш режаларини тузиш ва унинг бажарилишини таъминлаш;

таълим муассасаси филиалида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдларини юритиш ва улардаги маълумотларни янгилаб бориш;

ходимларнинг меҳнат таътилларида ўз вақтида фойдаланишини назорат қилиш, белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш;

иш жараёнида алоҳида ўрнатилган ходимларини мукофотлаш ҳамда уларни рағбатлантиришнинг бошқа турларини қўллаш юзасидан таълим муассасаси филиали директорига таклифлар киритиш;

ходимларни меҳнат интизомига риоя этишини назорат қилиб бориш;

бўлимнинг фаолияти бўйича ҳисоботлар тайёрлаш ва тегишли давлат идораларига ҳисоботларни топшириб бориш;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ таълим муассасасида ходимларни ишга қабул қилиш, бошқа лавозимга ўтказиш ва ишдан бўшатиш бўйича буйруқларни, шунингдек улар билан тузилган меҳнат шартномаларини расмийлаштириш, сақлаш ҳамда белгиланган тартибда ва муддатда архивга топшириш;

ходимларнинг меҳнат қилиши ва малакасини ошириши учун шарт-шароитлар яратишда, уларни аттестациясини ташкил қилиш ҳамда меҳнат ва ички тартиб қоидаларга риоя қилинишини таъминлашда қатнашиш.

Ходимлар бўлимнинг зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

496. Таълим муассасаси филиалининг 1 ва 2-бўлимлари вазифалари қуйидагилардан иборат.

1-бўлим:

бўлимнинг иш режаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;

бўлим мақсадидан келиб чиқиб таълим муассасасида мутасадди бўлган бўғинлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

хизмат доирасида фойдаланиш учун берилган ҳужжатлар учун алоҳида йиғма жилдлар ташкил этиш, хатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ижроси юзасидан маълумотларни тегишли ташкилотларга юбориш ишини юритиш ва ижро назоратини олиб бориш;

сақлаш муддати тугалланган хизмат доирасида фойдаланишга оид ҳужжатларни таълим муассасаси филиали директори билан келишган ҳолда идора архивига топшириш;

таълим муассасаси филиалига келиб тушган махфий ҳужжатларнинг бажарилиш ҳолати ва тўғри олиб борилишини амалга ошириш.

Таълим муассасаси филиали 1-бўлимнинг зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

2-бўлим:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсиясига эга бўлган талабалар билан ҳамкорликда ишлаш;

педагог ва бошқа ходимлар ҳамда талабаларнинг муҳофафазаси бўлимлари билан ҳамкорликдаги ишларини ташкил этиш;

ёшлар иттифоқи кенгашлари билан ҳамкорликда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсиясига эга талабалар ўртасида турли спорт мусобақаларини ўтказиш.

Таълим муассасаси филиали 2-бўлимининг зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

50. Юрисконсультнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

таълим муассасаси филиали директориға тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан текшириш;

таълим муассасаси филиалида ва унинг таркибий бўлинмаларида қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан таклифлар киритиш, шунингдек таълим муассасасида меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоавий шартнома, жамоавий битимлар ва бошқаларни) ишлаб чиқишда қатнашиш, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларини қонунчиликка мувофиқлик юзасидан текшириш ва ҳуқуқий хулоса бериш;

таълим муассасаси филиалининг касаба уюшмаси ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига ўз ваколатларини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатиш;

таълим муассасаси филиали директориға таълим муассасаси филиали ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритиш ҳамда бундай тадбирларни ўтказишда қатнашиш;

таълим муассасаси филиали ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга таълим муассасаси филиали фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишда кўмаклашиш, зарур ҳолларда ушбу ҳужжатлар бўйича тушунтиришлар бериш;

мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш ва уларни тайёрлашда иштирок этиш;

бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда таълим муассасаси филиалида мулкнинг талон-тарож қилиниши, камомад ва ноишлаб чиқариш харажатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш, мулкнинг талон-тарож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш учун расмийлаштириш;

моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонун бузилишлари ва суиистеъмоллар аниқланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳуқуқий хулосалар бериш;

бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда таълим муассасасининг шартномаларини тайёрлаш ва тузиш ишларида қатнашиш, шунингдек шартномаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқиб визалаш ёки талаб қилинса ёзма хулосалар тайёрлаш;

шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш, таълим муассасаси томонидан тузилган шартномаларнинг зарур даражада бажарилиши бўйича таклифлар киритиш;

таълим муассасаси филиалининг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва таълим муассасасига нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда қатнашиш, таълим муассасаси филиалида талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш;

тегишли бўлинмалар билан биргаликда таълим муассасасининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ахволини ўрганиш, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўриш;

шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича даъво ишларини олиб бориш ҳамда таълим муассасасининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқӣ ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ва белгиланган тартибда суд мажлисларида қатнашиш;

таркибий бўлинмаларнинг ҳуқуқӣ ишларига методик ёрдам кўрсатиш, юридик хизмат фаолиятининг турли йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатларнинг сақланишини ва назорат қилинишини таъминлаш, ҳуқуқӣ нашрларга обуна бўлиш ҳақида таълим муассасаси ректорига таклифлар киритиш.

Юридик хизматнинг зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

6-боб. Педагог ходимлар, ўқув-тарбиявий ходимлар.

51. Таълим муассасаси филиалида профессор-ўқитувчилар таркиби, илмӣ ходимлар, муҳандис-техник, маъмурий-хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

52. Таълим муассасаси филиалида профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент ва ўқитувчи-стажёр лавозимлари киради.

53. Профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларни эгаллаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февраль 20-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ танлов асосида

меҳнат шартномаси бўйича амалга оширилади.

54. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги ф-137-сонли фармойишига мувофиқ таълим муассасаси филиалининг директор ўринбосари, Таълим муассасаси филиали директори ва таълим муассасаси ректори тавсиясига кўра, вазир томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда тайинланади. Факультет декани таълим муассасаси ректори ҳамда вазирлик билан келишилган ҳолда таълим муассасаси филиали директорининг буйруғи билан тайинланади.

55. Таълим муассасаси филиалида профессор-ўқитувчилари таркиби ва илмий ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

таълим муассасаси филиалининг фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

таълим муассасаси филиалининг ахборот-ресурс маркази, ўқув ва илмий бўлинмаларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;

ўқитишнинг услуб ва воситаларини танлаш, ўқув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

таълим муассасаси филиалининг буйруқлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;

вакант профессор-ўқитувчи лавозимларига эълон қилинган танловларда қатнашиш;

ўзлари ишлаётган кафедра, факультетдан ташқари бошқа факультет, кафедра, ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаш (асосий иш жойи билан келишилган ҳолда);

хорижий ҳамкасбларнинг соҳага доир илмий ва ўқув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;

дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш, монография ва илмий мақолалар ёзиш, ихтиро учун патент, ахборот-коммуникация технологиялари учун дастурий маҳсулотларга гувоҳномалар олишларини амалга ошириш;

тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, илмий-тадқиқот ишларининг муҳокамасида иштирок этиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, илмий ишлар натижаларини нашр этишга тавсия бериш;

назарий билимларини амалий тажрибасини, илмий-тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;

талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

56. Таълим муассасаси филиали профессор-ўқитувчилари

мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

қонунларга, меҳнат интизоми, таълим муассасаси филиалининг устави, ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш, ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;

иш жараёнида мулоқат қиладиган таълим муассасаси филиали ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан хушфеъл муносабатда бўлиш;

иш берувчининг қонуний фармойишларини, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий иш режани(ўқув-услубий, илмий ва маънавий- маърифий ишларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш;

дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа ўқув адабиётлари, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш;

тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда, шу жумладан, дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда бевосита иштирок этиш;

кафедранинг тасдиқланган илмий-амалий, илмий-педагогик анжуманларида иштирок этиш;

ўз малакасини мунтазам равишда ошириб бориш;

мактабгача таълим, умумий ўрта ва спорт таълим муассасалари учун ҳамкорликда янги авлод ўқув адабиётлари, ўқув-услубий мажмуалар яратишда иштирок этиш;

мактабгача таълим, умумий ўрта ҳамда спорт таълим муассасаларида очик ва муаммоли машғулотлар ҳамда “мастер класс”лар ўтказиш;

мактабгача таълим, умумий ўрта ва спорт таълим муассасаларида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;

мактабгача таълим, умумий ўрта ва спорт таълим тизими муассасаларида замонавий ахборот-коммуникация хдмда педагогик технологиялар асосида таълим сифатини оширишга доимий равишда кўмаклашиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитария ва гигиенаси қоидаларига риоя қилиш;

таълим муассасаси филиалининг мол-мулкани авайлаб асраш, ундан оқилона фойдаланиш;

иш берувчига бевосита етказилган моддий зарарни ўрнатилган тартибда қоплаш;

таълим муассасаси филиалининг жамоатчилик ишларида қатнашиш;

педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;

талабаларнинг танлаган йўналиши бўйича юксак касбий тайёргарлигини ва меҳнатга бўлган қобилиятни такомиллаштириш;

чет тиллар ва ахборот-коммуникация технологияларидан билим даражасини мунтазам ошириб бориш;

талабаларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятларни

шакллантириш;

таълим муассасаси филиалида “Устоз-шогирд” тизимида иштирок этиб, ўзига бириктирилган шогирдлар билан педагогик, илмий-педагогик, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни амалга ошириш;

республикада амалга оширилаётган кенг кўламдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш;

таълим муассасаси филиали, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий, маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;

ўзи ўқитадиган фан дастурини фан ва техника ютуқлари асосида мунтазам бойитиб бориш;

ўқув машғулотларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтиш;

фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;

хар ўқув йили бошлангунга қадар ўзи машғулот олиб борадиган фанларнинг ишчи ўқув дастури, календарь режасини ишлаб чиқиш ва кафедра мажлисида тасдиқлаш.

57. Таълим муассасаси филиали профессор-ўқитувчиларининг уч йилда камида бир мартаба малакасини оширилиши таъминланади.

7-боб. Таълим муассасаси филиалига раҳбарлик қилиш

58. Таълим муассасаси филиалининг раҳбариятига таълим муассасаси филиали директори, ўқув ва тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари киради.

59. Таълим муассасаси филиали директори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

корхона, муассаса ва ташкилотлар билан хўжалик шартномалари тузишда таълим муассасаси филиали номидан фаолият юритиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

ўз ваколатлари доирасида таълим муассасаси филиалининг ходимларини лавозимига тайинлаш, лавозимидан озод этиш ҳамда таълим муассасаси филиали ходимлари ва талабалари бажариши учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш, топшириқлар ва тегишли ходимларга таълим муассасаси филиали номидан фаолият юритиш учун ишончномалар бериш;

таълим муассасаси филиали директори ўринбосарлари лавозимига номзодларни тавсия этиш, директор ўринбосарлари ва деканларнинг муайян вазифаларини белгилаш;

таълим муассасаси филиали таркибига кирган илмий-тадқиқот, тажриба-экспериментал ҳамда бошқа ташкилот ва бўлинмаларнинг вазифаларини белгилаш, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

таълим муассасаси филиали ходимларининг лавозим маошларига устамалар ва қўшимчаларни ўрнатилган тартибда белгилаш;

таълим муассасаси филиали касаба уюшма кўмитаси ва бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш;

таълим муассасаси филиалининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш;

таълим муассасаси филиалида намунавий штат бирликларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳамда иш ҳақи фонди, тасдиқланган таълим муассасаси филиалининг ходимларининг сони ва лавозим маошлари, таъриф сеткаси доирасида унинг профессор-ўқитувчилари таркиби ва бошқа ходимларининг штат бирлигини тасдиқлаш.

таълим муассасаси филиалига ажратилган бюджет маблағларининг белгиланган харажатлар йўналишлари бўйича ишлатилишини таъминлаш ва улардан самарали фойдаланилиши устидан назорат қилиш;

самарали меҳнат қилган ходимларни рағбатлантириш, ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндошган, ўзига топширилган вазифаларни ўз вақтида бажармаган ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш;

таълим муассасаси филиалининг ички тартиб-қоидаларига ходимларнинг риоя этишини назорат қилиш;

таълим муассасаси филиали таркибий тузилмасидаги барча бўлинмалар ваколатларини белгилаш, уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириб бориш, ходимларни танлаш, раҳбарлик лавозимиغا тавсия этиш;

таълим муассасаси филиалининг ички тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш, таълим муассасаси филиали ўқув-методик ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишларини ташкил қилиш ҳамда унинг бажарилиши устидан назорат қилиш;

ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ижтимоий муҳофазасини таъминлаш;

таълим муассасаси филиали Кенгашига раҳбарлик қилиш ва таркибий тузилишини такомиллаштириш.

Таълим муассасаси филиали директори қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

60. Таълим муассасаси филиали директорининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

таълим муассасаси филиали иш фаолияти бўйича вазирлик ва таълим муассасасига ҳисоботлар бериш ҳамда давлат таълим стандартлари, давлат талаблари, ўқув режа, ўқув дастур ва бошқа ўқув-методик ҳужжатларнинг ўқув жараёнига татбиқ этилишини таъминлаш;

давлат таълим стандартлари асосида юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш ва тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этиш;

узлуксиз таълим тизими учун янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ҳамда уларни нашр этилишини ташкил этиш, ўқув дастурлари, ўқув адабиётларини такомиллаштириб боришни таъминлаш, илмий изланишларни йўналтириб бориш;

ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг илғор шакллари, шу жумладан, масофадан туриб ўқитиш, янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

педагог ходимларнинг малака оширишларини таъминлаш, ходимлар ва талабаларда миллий ғояни шакллантириш;

факультетлар ва кафедралар фаолияти, ўқув жараёни, маърузалар, амалий ва лаборатория машғулоти, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари, бошқа турдаги машғулоти сифатини назорат қилиш;

таълим муассасаси филиали ўқув-методик ва моддий-техник базасини мустақамлаш ва хорижий давлатлар олий таълим муассасалари билан илмий-иждоий алоқаларни ривожлантириш, инвестиция ва грантлар жалб этилишини таъминлаш;

меҳнат қонунчилиги ҳамда жамоада соғлом маънавий-иждоий муҳитни шакллантириш бўйича фаолият юритиш;

дарсларни таҳлил қилиш ва таълим муассасаси филиали жамоасига амалий ёрдам бериш;

қонун ҳужжатларига асосан таълим муассасаси филиалидаги ўқув-тарбиявий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш;

таълим муассасаси филиали фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талабларига, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш.

Таълим муассасаси филиали директори қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

60. Таълим муассасаси филиалини бевосита бошқариш таълим муассасаси филиали директори томонидан амалга оширилади.

Директор таълим муассасаси филиали фаолиятига, шунингдек ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда мазкур Уставда белгиланган мажбуриятлар учун масъулдир.

Таълим муассасаси филиали бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Уставга мувофиқ яқка раҳбарлик ва олий таълим муассасасининг Кенгаши орқали жамоатчилик бошқарувини уйғунлаштириш тамойили асосида амалга оширилади.

Таълим муассасаси филиали директори таълим муассасаси ректорининг тавсиясига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан

келишган ҳолда вазирнинг буйруғига мувофиқ лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

61. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ таълим муассасаси филиали фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун Кенгаш ташкил этилади.

Кенгаш раиси таълим муассасаси филиали директори ҳисобланади. Таълим муассасаси филиали Кенгашига директор ўринбосарлари, факультет деканлари ҳамда кафедралар мудирлари, бўлим бошлиқлари, таълим муассасаси филиали ходимлари, касаба уюшмаси кенгаши вакиллари киради. Профессор-ўқитувчилар таркибидан Кенгашга сайланадиганлар сони таълим муассасаси филиали директори буйруғи билан белгиланади.

62. Кенгаш раиси ўз вазифасини бажара олмайдиган (касал бўлган, хизмат сафарига кетган ва ҳоказо) ҳолатларда унинг вазифалари таълим муассасаси филиалининг директор ўринбосарларидан бири томонидан амалга оширилади.

63. Таълим муассасаси филиали кенгашининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

таълим муассасаси филиали педагогик жамоасининг фаолиятини, талабаларнинг эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларини таъминлашга, уларга олий таълимнинг давлат таълим стандарти талабларининг бажарилишини ва унинг таълим сифатини оширишга йўналтирилган вазифаларни таҳлил қилиш;

талабаларга таълим беришда замонавий ахборот ва педагогик технологияларидан ўқув жараёнига татбиқ этиш чораларини кўриш;

таълим муассасаси филиалида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва таълим самарадорлигини ошириш бўйича мақбул шарт-шароитлар яратишга қаратилган қарорлар қабул қилиш;

аъло кўрсаткичларга ва намунали хулққа эга бўлган талабаларни рағбатлантириш юзасидан қарорлар қабул қилиш;

талабаларни юксак маънавий-ахлоқий, умуминсоний ва миллий руҳда, ўз Ватани, халқини ардоқловчи, тинчлик ва барқарорликка қаратилган миллий қадриятлар асосида тарбиялаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, оммалаштириш, уларни давлат мукофотларига тавсия этиш, ёш ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш;

ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ва таълим самарадорлигини оширишда мақбул шарт-шароитлар яратишга оид педагогик жамоанинг маълум йўналишлардаги фаолиятини таҳлил қилиш ва якуний хулоса чиқариш;

таълим муассасаси филиали жамоаси учун ўз ваколати доирасида меъёрий талабаларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва бажарилишини назорат қилиш;

таълим муассасаси филиалининг таркибий бўлинмалари ҳисоботларини эшитиш, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ишлар режалари ижроси, педагог

ходимлар таркибининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш масалаларини муҳокама қилиш ҳамда тегишли қарорларни қабул қилиш;

таълим муассасаси филиалини ривожлантиришнинг йиллик ва истиқбол режаларини тасдиқлаш, унинг моддий-техник таъминоти ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини муҳокама қилиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш;

профессор, доцент илмий унвонига талабгорларнинг хужжатларини кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда илмий унвонга тасдиқлашга тақдим этиш;

таълим жараёнининг ўқув адабиётлари билан таъминланганлиги, янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалари, шунингдек инновацион таълим технологияларини қўллашга асосланган ўқув-услубий мажмуаларни тайёрлаш ва нашр этиш масалаларини муҳокама қилиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш;

таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиларнинг номзодларини таълим муассасасига қабул учун тавсия этиш;

таълим муассасаси филиали иқтидорли талабалари, таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва бошқа номли давлат стипендиялари танловида иштирок этадиган номзодларни тавсия этиш;

талабаларнинг малакавий амалиёти самарадорлигини ошириш масалаларини муҳокама қилиш, уларни яхшилаш, хорижий мамлакатларнинг олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш масалаларини муҳокама қилиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш.

Таълим муассасаси филиали Кенгаши қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

64. Кенгаш қуйидаги ҳуқуқларга эга:

таълим муассасаси филиалининг ўқув жараёнини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қарорлар қабул қилиш;

ўқув, спорт ва маънавий-маърифий, илмий-методик ва тажриба-синов ишларида фаол иштирок этган педагог ходимларни моддий рағбатлантириш юзасидан қарорлар қабул қилиш;

республика ва хорижда ўтказиладиган турли танловлар ва мусобақаларда қатнашиш учун таълим муассасаси филиали талабалари орасидан номзодларни тавсия этиш;

таълим муассасаси филиалида ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш;

таълим муассасаси филиалининг истиқбол режасини белгилаш;

кафедра мудирини, профессор ва доцент лавозимларига кафедралик бўйича вакант лавозимларга ёпиқ овоз бериш йўли билан танлов ўтказиш ва уларни расмийлаштириш;

кенгаш қарорига мувофиқ профессор, доцент илмий унвонини олишга интилаётган изланувчиларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда илмий унвонга тасдиқлаш учун тақдим этиш.

Кенгаш қонун ҳужжатларига ҳамда ўз вазифаларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

65. Кенгаш куйидагиларга мажбур:

таълим муассасаси филиали иш режаси бажарилишини таъминлаш ҳамда таълим муассасаси филиалининг фаолиятига оид энг муҳим ва долзарб масалаларни муҳокама қилиш;

педагог ходимлар ва талабаларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

таълим-тарбия сифатини янада яхшилаш бўйича берилган ҳар қандай таклифни қабул қилиш ва кўриб чиқиш;

дарс машғулотлари ўқув режасини талабалар томонидан ўзлаштиришга қулай бўлиши нуқтаи назаридан такомиллаштириш;

таълим-тарбияга оид мунозарали масалаларни муҳокама қилиш ва яқуний қарорлар чиқариш, шунингдек ўқув жараёнини самарали ташкил қилишнинг турли шакл ва услубларини муҳокама қилиш ва амалиётга татбиқ этиш;

замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш бўйича педагогик изланишларни ва ижодий ташаббускорликларни қўллаб-қувватлаш;

педагог ходимларга олий таълимга оид норматив-ҳуқуқий ва методик ҳужжатларнинг етказилиши ва тупунтириш ишларининг олиб борилишини назорат қилиш.

Кенгаш зиммасига қонун ҳужжатларига ҳамда ўз вазифаларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

66. Таълим муассасаси филиали кенгаши аъзолари кенгаш томонидан чиқарилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги ва уларнинг бажарилиши учун таълим муассасаси, таълим муассасаси филиали алоҳида жавобгардир.

67. Кенгаш йиғилиши ҳар ойда бир марта ўтказилади. Заруратга кўра, навбатдан ташқари кенгаш йиғилишлари ҳам ўтказилиши мумкин.

68. Кенгаш таълим муассасаси филиали фаолиятига доир асосий масалалар коллегиял муҳокама қилинадиган, таълим муассасаси филиалида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш, такомиллаштириш, унинг фаолияти билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни мувофиқлаштириш бўйича доимий фаолият юритадиган олий орган ҳисобланади. Кенгашнинг фаолияти жамоатчилик асосида ташкил этилади.

69. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва

фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек мазкур уставга амал қилади.

70. Кенгаш фаолияти ҳар ўқув йили учун ишлаб чиқиладиган йиллик иш режа асосида ташкил этилади. Иш режа кенгаш йиғилишида кўриб чиқилиб, маъқулланганидан сўнг таълим муассасаси филиали директори томонидан тасдиқланади.

Кенгаш йиғилишида таълим муассасаси филиалининг фаолиятига оид энг муҳим ва долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Кенгаш йиғилишлари кун тартибидаги масалалар юзасидан тузилган комиссия ёки масъул ходимларнинг ҳисоботлари, маълумотлари, ахборотлари ва қарор лойиҳалари кенгаш йиғилиши ўтказилишидан бир ҳафта олдин Кенгаш котибига тақдим этилади.

Кенгаш қарорлари факультетлар, кафедралар ҳамда масъул ижрочиларга бир кун муддатда етказилади.

Кенгашнинг айрим муҳим қарорлари ижроси юзасидан уч кун муддатда таълим муассасаси филиали директорининг буйруғи чиқарилади.

Кенгаш қарорлари факультет ва кафедралар йиғилишларида уч кун муддат ичида кўриб чиқилади.

Кенгаш қарорларини қабул қилиш очиқ ёки ёпиқ овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кенгаш қарори унинг йиғилишида иштирок этган аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда кенгаш раиси ҳал қилувчи овозга эга бўлади. Кенгаш қарорлари таълим муассасаси филиалининг директори томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Кенгаш йиғилиши баённомаси кенгаш котиби томонидан юритилади. Баённома кенгаш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

Баённомаларнинг рақами, санаси ва йиғилишда кўрилган масалалар тўғрисидаги маълумотлар кенгаш йиғилиши баённомаларини қайд этиш дафтарига ёзиб борилади. Кенгаш йиғилиши баённомаларини қайд этиш дафтари рақамланади, ип ўтказиб тикилади.

71. Баённоманинг кириш қисмида кенгаш йиғилиши ўтказилган сана, баённома тартиб рақами, иштирок этганлар ва уларнинг сони ёзилади.

Кенгаш йиғилиши баённомаларини қайд этиш дафтарида кун тартибига киритилган масала муҳокамаси, кенгаш аъзолари томонидан киритилган таклиф ва мулоҳазалар ҳамда кун тартибидаги ҳар бир масала юзасидан қабул қилинган қарорлар қайд этиб борилади.

Кенгаш йиғилиши баённомаларини рақамлаш ҳар ўқув йили бошида (август ойида) янгидан бошланади.

72. Кенгашнинг йиғилишлари, агар уларда барча кенгаш аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми, навбатдан ташқари йиғилишда эса учдан бир қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

8-боб. Жамоат ташкилотлари

73. Таълим муассасаси филиалининг касаба уюшмаси қўмитаси жамоат бирлашмаси ҳисобланиб, унинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади.

74. Таълим муассасаси филиалининг касаба уюшмаси қўмитаси ўқув, илмий-методик, спорт ва маънавий-маърифий ишларни яхшилаш, жамоада ижтимоий-психологик муҳитни соғломлаштириш, ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг иш шароитларини яхшилаш, масъулиятларини шакллантириш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш каби масалаларни ҳал этади.

75. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан таълим муассасаси филиали талабаларининг ота-оналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа таълим муассасалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан узвий алоқада фаолият кўрсатади.

76. Таълим муассасаси филиалида қонун ҳужжатларига мувофиқ талабаларнинг жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатиши мумкин.

77. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ таълим муассасаси филиалида илмий ва ихтиёрий жамиятлар, илмий-услубий, илмий-техник кенгашлар ва комиссиялар, ёш олимлар кенгаши ва бошқалар ташкил этилиши мумкин.

9-боб. Таълим муассасаси филиалининг мол-мулки ва маблағлари

78. Таълим муассасаси филиали фаолиятини молиялаштириш белгиланган тартибда тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

Таълим муассасаси филиали ўзига бириктирилган мол-мулкни ва харажатлар сметаси бўйича ажратилган маблағларни қонун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади. Таълим муассасаси филиали ўз мажбуриятлари бўйича тасарруфидаги пул маблағлари ва бошқа моддий бойликларнинг сарфланишига қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

79. Таълим муассасаси филиали фаолиятини молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

талабаларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўлов-контракт асосидаги маблағлар;

хўжалик фаолиятдан, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган шартнома асосида пулли хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳомийлик хайриялари, маҳаллий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

80. Қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятдан олинган даромад ҳисобига сотиб олинган мол-мулк таълим муассасаси филиалининг мол-мулки таркибига киритилади.

Таълим муассасаси филиалининг пуллик таълим хизматлари кўрсатишни бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидаги таълим фаолияти доирасида ва унинг ўрнига амалга оширилиши мумкин эмас.

Таълим муассасаси филиалининг мол-мулки ва пул маблағлари сарфланиши учун бевосита унинг ректори жавобгар ҳисобланади.

81. Таълим муассасаси филиали томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ва статистик ҳисобот юритилади.

82. Таълим муассасаси филиалининг ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда иш ҳақига устамалар қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Таълим муассасаси филиали штатидаги ходимлар сони унинг намунавий штатларига мувофиқ белгиланади.

83. Таълим муассасаси филиалининг моддий-техник таъминоти ва кадрлар билан таъминланиши белгиланган нормативларга мувофиқ эҳтиёжлар асосида амалга оширилади.

Таълим муассасаси филиалининг моддий-техник базасига унга тегишли бўлган ер майдонлари, бинолар, спорт заллари, ахборот-коммуникация технологиялари, транспорт воситалари ҳамда таълим-тарбия жараёнида фойдаланиладиган бошқа анжомлар киради.

84. Таълим муассасаси филиали тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда ўзининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади.

10-боб. Таълим муассасаси филиалини қайта ташкил этиш ва тугатиш

85. Таълим муассасаси филиали қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшиб юборилиши, бирлаштирилиши, бўлиниши, ажратилиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши мумкин.

86. Таълим муассасаси филиалини қайта ташкил этиш ёки тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

11-боб. Яқуний қоидалар

87. Мазкур Уставда акс эттирилмаган масалалар юзасидан вужудга келган муаммоли вазиятлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

88. Таълим муассасаси филиалининг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш уни тасдиқлаш тартибига мувофиқ амалга оширилади.